

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил "05" январь

1- сонли

Қорақўл.т

Қорақўл туман электр тармоқлари (кейинги ўринларда "Қорхона"
(энергия билан таъминловчи ташкилот номи)
деб юритилади) узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.Ҳамроев бир
тарафдан ва Қорақўл давлат ўрмон хўжалиги кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб
юрителиди) узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Э.Тошев иккинчи тарафдан
ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Қорхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр
энергияси (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини,
Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган
Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр
энергияси тизимининг юкломали соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват
(кейинчалик "Қувват") учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 6000кВт.с. ни ташкил қилади.

2.2 Шарнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи
2700000 сўми, Қувватнинг нархи 450 сўми (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади.
Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 2700000 (икки миллион етти юз минг) сўм.

2.3 Қорхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг
1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.

2.4 Қорхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори
Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-
илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Қорхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб
қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари
Қорхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш
tizими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан
ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Қорхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва
тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил
24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табiiй монополиялар субъектлари
томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия
таъминотининг йиллик минимал ҳажми 5936кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври ўн икки ой.

3.2 Қорхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив
ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс
бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида
ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган
жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан
биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва ҳақ